



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил  
4 июнь  
ШАНБА  
№ 44  
(12.368)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



### ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

#### ОҲАНГАРОН ТУМАНИ

#### ДАРЁ ЎЗАНИ МУСТАҲКАМЛАНАЯПТИ

Вилоят, туман ҳокимликлари ҳамда Олмалик кон металлургия комбинати маъмурияти ҳамкорлигида сув тошқини хавфи бор ҳудудлардаги ўзанларни тозалаш ва ўз йўлига солиш учун «Сусам», «Ёнарлик», «Қўрғон», «Унгут» маҳаллаларида махсус техникалар ишга солинди.

Ёнарлик қишлоғидаги Бозор дамбасида 2600 метр узунликдаги ўзганга тош-шағал тўқилди, шунингдек, 430 куб метр бетон тўсиқлар ташланиб, қирғоқлар мустаҳкамланди. Охангарон дарёсининг Чу-

вилдоқ қишлоғи яқинидаги Жарқўрғон тўғонига 1350 куб метр тош-шағал тўқилди. Тўғонга ёндош 150 метр узунликдаги дарё ўзани тозаланиб, тартибга келтирилди.

Отабек АКАБОВЕВ.

#### ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ

#### ЁЗГИ ҲОРДИҚНИ КЎЗЛАБ

Халқобод шаҳарчасидаги футболга ихтисослашган мактаб-интернат қошида "Лочин" оромгоҳининг очилиш маросими ўтказилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, халқ депутатлари вилоят, туман кенгаши депутатлари, туман ва маҳалла фаоллари, ўқитувчи ҳамда ёшлар иштирок этишди. Энди бу оромгоҳда 100 нафар бола ёзги таътилни мазмунли ўтказад.

Расул КУШЕРБОВЕВ.

#### ҚИБРАЙ ТУМАНИ

#### ЕТАКЧИЛИК МЕЗОНИ

"Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб, "Донорлик ва ташаббускорлик - сиёсий етакчилик мезони" номли кўрик-танловнинг вилоят босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фракцияси аъзолари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, "Аёллар қаноти" етакчилари, турли давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этган танловда саралаш босқичи ғолиби бўлган 14 хонин-қиз учта шарт бўйича беллашишди. Олий ўрин вилоят педагогика коллежи ўқитувчиси Нодира Турдиевага насиб этди. У "Энг билимдон иштирокчи" ва "Кучли сиёсий билим эгаси" номинациялари бўйича ғолиб бўлди ва республика босқичига йўланмачи кўлга киритди.

#### БЎСТОНЛИК ТУМАНИ

#### ХИЗМАТДА САККИЗ МЕЗБОН

Ҳазратқент шаҳри марказида 50 ўринга мўлжалланган умумий овқатланиш корхонаси иш бошлади.

"Одилжон Азизим Савдо" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилором Ахорова тадбиркорлик фаолияти орқали 8 кишини иш билан таъминлади.

У миллий таомлар билан чекланмай, Европа ва уйгур таомларини ҳам миқозларга тақдим этиш истагида.

Шохрух ҲАКИМОВ.

#### ҲУҚУҚИЙ САБОҚ

## КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳага молиявий кўмак бериш, жисмоний ва юридик шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган кредит шартномаларидан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга оид ҳуқуқий

Республикада иқтисодий ислохотлар кенг кўламда амалга оширилган хозирги пайтда кредит шартномалари мажбуриятининг ривожланаётган ва энг кўп тарқалган турларига айланмоқда. Кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчи) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоиз-

#### БУГУННИНГ ГАПИ



## ПАХТАКОР КЕЧАЮ КУНДУЗ ДАЛАДА

бўладиган пайт келди, айнан бугун ғўзасини ўғитга тўйдирган, сувга қондирган дехқоннинг хирмони баракали бўлиши шубҳасиз

Ғўза парвариши билан боғлиқ ҳар бир агротехник тадбирни сифатли ўтказишдан ташқари, экин айна талаб қилган пайтда бажариш қанчалик муҳим эканлигини асл пахтакорлар яхши билишади. Улар ҳозир айна шундай палла келганини пайқаб, ғўза шонага киратганини кўриб, бутун эътибор ва бор имкониятни тўйдириб озиклантириб, қондириб суғоришга қаратмоқдалар. Шундай қилинса, шоналар шигил бўлиб, улар эртага чаман улга, кейин саноксиз кўсақларга айланади. Ана шу жараёнда ғўза ўғитга тўйиб, сувга қонса, шонага шона, кўсақка кўсақ қўшилишдан ташқари йирим ҳам бўлади.



СУРАТЛАРДА: туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошбиги Суннат Ҳайдаров (чапдан иккинчи) "Ёсенбек-Асқабек" фермер хўжалиги техникасини қуриқдан ўтказмоқда; "Кўшек агро" фермер хўжалиги механизатори Ботир Омонбоев.

беистисно ҳамма фермер хўжалиқларида ғўзани ўғитлаш ва кетидан суғоришга киришилди. Туман бўйича 14047 гектар майдонда ғўзага 240 та трактор ёрдамида ўғит солиниб, суғорилади ва етилган майдонларда қатор оралари пешмапеш юмшатилади.

"Кўшек агро" фермер хўжалигининг бу соҳадаги тажрибаси алоҳида эътиборга лойиқ. 67 гектар майдондаги ғўзанинг 50 гектарини ўғитлаб, биринчи сувдан чиқардик, - дейди фермер Жалал Омонбоев. - Ҳозир 20 кишидан иборат аъзолари-мизнинг ҳаммаси далада.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

#### МАРОҚЛИ ЎТГАН КҮН

Пискент туман ҳокимлиги, халқ таълими ва маданият ва спорт ишлари бўлимлари ҳамкорлигида истироҳат бонди болаларга аталган байрам уюштирилди.

Унда боғча, мактаб, болалар уйи тарбияланувчилари иштирок этишди. Ёш спортчилар, цирк усталари ҳамда болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази тарбияланувчиларининг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди.

Шодибой ХАЛИМОВ.

#### 5 ИЮНЬ - ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ КУНИ

## ҲАВО, ТУПРОҚ ВА СУВ - БЕБАҲО НЕЪМАТ

5 июнь - қурраи заминда Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини сифатида кенг нишонланади. 1972 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарорига асосан таъсис этилган сана табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатининг янада фаоллашувига туртки бўлди. Табиат ва инсон

ўртасидаги муносабатлар қонуний жиҳатдан тартибга солинди. Ер ости ва усти бойлиқларидан хўжасизларча фойдаланишга чек қўйилиб, энг бебаҳо неъматлар - туПРОҚ, СУВ, ҲАВОНING ИФЛОСЛАНИБ, ЯРОҚСИЗ ҲОЛГА КЕЛИШИНING ОЛДИ ОЛИНДИ.

Бу борада вилоятимиз шаҳар ва туманларида айтишга арзиғулик ишлар бажарилди. Чиноз тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси аниқ мақсадли иш режаси асосида қурилушлар учун ер ажратишда экологик экспертизанинг хулосасига таяниш, ҳудуддан оқиб ўтувчи дарёлар тозаланиши асраш, ҳаво, ер ва сув манбалари, ер қаъри, чиқиндиларни жойлаштириш ва қайта ишлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини авайлаш чора-тадбирлари ижроси қатъий назоратга олинган. Бундан ташқари, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан рейдлар, турли тадбир ва ўқув-семинарлар уюштирилди. Назорат органларини мувофиқлаштирувчи комиссия ҳамда кўмита вакиллари тумандаги "Фарход АТД" ва "Олмазор мебель" масъулияти чекланган жамиятларида текши-



рув ўтказишди. Аниқланган камчиликлар юзасидан курсатмалар берилди. Сирдарё ва Чирчиқ дарёлари қирғоғи бўйидаги объектларни полосоадан чиқариш бўйича тегишли ташкилотларга мурожаатлар юборилди. Эски Тошкент, Туркистон, Олмазор қишлоқларида, "Яллама", "Чиноз" қишлоқ врачлик пунктлари

да ўтказилган текширишларда "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун талаблари бузилгани маълум бўлди. Айбдорларга нисбатан маъмурий чоралар қўрилди. Шунингдек, ҳар йилги аънаанага айланган "Тоза ҳаво" тадбирининг биринчи босқичи ўтказилди. Тадбир давомида мингдан зиёд автотранспорт воситаларининг ҳолати ўрганилди. Тадбир доирасида "Пахта нефть базаси" унитар корхонаси, "Таъминотчи Пахта" Ақбаршоҳ ойл, "Чиноз Соҳил" каби автомобильларга ёқилги қуйиш шаҳобчаларида тафтиш уюштирилди. Ирода НОРБОВЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: туман табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси давлат инспекторлари Нурулло Абдуллаев ва Насиба Аҳмедова Сирдарё қирғоқлари бўйидаги объектларни назорат қилишмоқда. Даврон АХМАД олган сурат.





ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

Она заминимизнинг шонли ўтмиши билан боғлиқ беҳисоб афсона ва ривоятлар халқ хотирасида абадий яшайди ва авлодлардан авлодларга мерос қилиб, мангуликка дохил бўлади.

мафтункор олам қудратидан куч, нурдан завқ олиб, ўзи ҳам зугуликка юз тутуди. Зеро, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар аввали ҳам олди-берди ва совға-салом улашишдан иборатдир.

МАНГУ ЁНИҚ ЮЛДУЗЛАР

Кибрай туманида Ўн-кўрғон кишлоғи бор. Ўнта тепалиқдаги ўнта кўрғоннинг қадимий тарихи муҳрланган кўна кишлоқ.

жойда 1968 йили ўзбек археологлари иш олиб боришди. Топилган сопол парчалари, қундалик рўзғорда кенг фойдаланилган идиш ва буюмларнинг идиш эрамининг Х асрига тааллуқли.

дад гуруҳларига қўшилиб, ҳар қайсиси ўз йўлидан кетди. Аммо, бу ака-укалар қалбларида битта ягона истак билан яшадилар:

мадраса қурдири. Бу масканлар кўп йиллар давомида аҳоли ўртасида зиё таратди.

СПОРТ – БИРДАМЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Олимпия захиралари колледжидан мусобақанинг ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Шу бос, истиқлолнинг дастлабки йилларида ҳам спортни ривожлантириш масаласига жиддий ёндашди.

Ўнқўрғон аҳлининг бугунги меҳнатсеварлиги, ишлаб чарчмаслиги, анхору ариқларнинг ҳеч қурмай, оби-ҳаётга тўлиб оқибди балки, ўша қадимий ўқимдан хайрли меросдир.

Бу каби савъ-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, "Ўзбек спорт мактаби" деган тушунча жохон спорт майдонларида баралла янграш бошлади.

Боксчиларимизнинг жаҳон рингларидаги галабалари ўзбек бокс мактабининг довуруғини дунёга таратди.

Яқинда вилоят ҳокими кубоғи учун бўлиб ўтган спорт мусобақаси ҳам халқнинг спорт байрамига айланган.

Илк бор умумий ўрта таълим мактабларида спорт ўқувчининг қундалик эътиёбига айланган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Истиқлолга бўлган ярим асрлик муҳаббат ичда ўзбекистонлик 40 нафар спортчи Олимпиада ўйинларида катнашган бўлса, кейинги 20 йил орасида 300 нафар ҳамюртимиз ана шундай нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, 6 та олтин, 6 та кумуш, 8 та бронза медалларини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистонда дунёда бокс, кураш, шахмат ҳақида гап кетса, Ўзбекистон номи алоҳида тилга олинади.

ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

Ўртағаччилик педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидида "Соғлом она – соғлом бола" шiori остида мусиқали гимнастика машқлари уюштирилди.



Гулрух ЗОКИРОВА. СУРАТГАА: "Мусиқали гимнастика" тадбиридан лавҳа. Абдуқодир ЭГАМКҮЛОВ олган сурат.

ФИРИБГАР

ларини вақтида қулғонга олди. - Она, келиб-келиб энди ўқийманми? Қора қозонини қайнайтиб турсам бўлди-ми? - Бола! Тенгқур ўртакларингдан ўрнак олсан бўлмайди...

тушди. Отасининг ҳурмати, директори учун кечирди. Кейинчалик тузалгандай бўлиб, одамлар ишончига кириб бошлади.

ларни ўтиришга таклиф қилди. - Ҳўш, хизмат. - Бизга саксон минг долларик лент керак эди.

БИЛАСИЗМИ?

ЁПИШҚОҚ ҚОҒОЗ Елмининг узок вақт айнамай сақланадиган қилишга муваффақиятсиз уриниш оқибатида ёпишқоқ қоғоз ҳосил бўлади.

содиқ юз берди. Тадиқотчининг бўш вақтларида черковдаги хорда қўшиқ қўйлаб турувчи ҳамкасби диний қўшиқлар китоби арақлари орасига қистириб қўйган.



- Қулпунининг берсанг, сени қўйиб юбораман.

БЎШ КАНИСТРДАН МОЛ ДОРИСИГАЧА...

қўшни давлатларга яширинча олиб ўтишга уринаётганларни қандай тушуниш кераклигини билмасликини киши

Бекобод шаҳри Ҳаридор аҳоли пунктига яқин чегара хизмати ходимлари ўз постларида хушёр турганларни туфайли қўлаб турли махсулотларини четга олиб чиқишга қўшничи пайи кирди.

СУРАТКАШ ҲАЗИЛИ

Утерный диплом Т № 201897, выданный 21.06.2004 года Чирчикским промышленно-экономическим профессиональным колледжем.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Манзилми: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳақида далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.